



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**QASHQADARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**QARORI**

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi, 1-uy. Faks: (+99875) 221-12-88, [qashqadarvo@exat.uz](mailto:qashqadarvo@exat.uz)

20~~21~~-yil “18 fevral

HQ-132/02 - sonli

Qarshi shahri

**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги хузуридаги жамоатчилик  
Кенгаши таркибини тасдиқлаш ва фаолияти самарадорлигини  
янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар билан яқин ҳамкорлигини йўлга қўйиш, уларнинг очик, шаффоф ва ошкора фаолият кўрсатишини таъминлаш, давлат ва жамият ўртасида таъсиран ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустахкам механизmlарини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6,25-моддасига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари хузурида жамоатчилик кенгашилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

**2.** Қашқадарё вилояти ҳокимлиги хузуридаги жамоатчилик Кенгаши таркиби **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**3.** Жамоатчилик Кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сонли қарори билан тасдиқланган Намунавий низомга асосан ташкил қилсин.

**4.** Жамоатчилик Кенгаши ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиши инобатга олинсин;

**5. Қуйидагилар жамоатчилик Кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манбаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши,

фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун хужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, давлат органи зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

биргаликда мулоқот қилиш, давлат органининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун давлат органини фуқаролар билан боғлаб турадиган «қўприк» ролини бажариш;

давлат органи фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат органи фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органи фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органи фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ходимлари ва улар оиласарининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатилган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил якунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

**6. Жамоатчилик Кенгаши (Д.Шодмонов) бир ҳафта муддатда Кенгаш фаолиятини йўлга кўйиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган иш режасини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва ижрога йўналтиурсин.**

**7. Вилоят телерадиокомпанияси (Ж.Туйчиев), ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (У.Нусуров)га, мазкур қарорнинг мазмуни ва аҳамиятини, Кенгаш томонидан ўтказилаётган тадбирларни кенг ёритилишини ҳамда аҳолига етказилишини ташкил этиш тавсия этилсин.**

**8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Арзикулов зиммасига юклансин.**

Вилоят ҳокими



З.Мирзаев

**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги жамоатчилик Кенгаши  
ТАРКИБИ**

<b>T/р</b>	<b>Ф.И.Ш</b>	<b>Лавозими</b>
<b>Кенгаш раиси</b>		
1.	Шодмонов Даврон Дўстмуродович	“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари, вилоят ҳокимининг маслаҳатчиси
<b>Кенгаш раиси ўринбосари</b>		
2.	Очилова Ойниса Хонгелдиевна	“Тадбиркор аёл” ишбилиармон аёллар ассоциацияси вилоят бўлими раиси
<b>Кенгаш масъул котиби</b>		
3.	Махматов Нурали Суярович	“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари
<b>Кенгаш аъзолари</b>		
4.	Иноятов Январ Пулатович	Қашқадарё вилояти ҳокимининг нуронийлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, вилоят фаоли
5.	Ражабов Эсанбай	Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси маслаҳатчиси, вилоят фаоли
6.	Усманов Дилшод Салимович	Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши раиси
7.	Ахмедов Абдуқаҳхор Ахмадович	Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти вилоят бўлими раиси
8.	Тураев Исок Латипович	Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, режиссёр
9.	Хайдарова Зулфия Умаровна	“Юксалиш” ахборот-маслаҳат ресурс маркази нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари
10.	Саодатова Лола Мусурмоновна	“Маънавият ва маърифат” маркази Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари
11.	Нусуров Усмон Нусратович	Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиги
12.	Раджапов Ширмамат Холович	Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб кувватлаш Жамоат фонди раиси
13.	Юлдашев Галавиддин	Қашқадарё вилоят журналистлар уюшмаси раиси
14.	Ахмедов Исок Набиевич	Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари

15.	Хазратқұлов Ақмал Ризоқулович	Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи үринбосари
16.	Аширова Шарофат	Халқаро Олтин мерос жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари
17.	Ҳайдаров Ўроз	Қашқадарё вилоят ёзувчилар уюшмаси раиси
18.	Язданов Бобур Жобирович	“Ватанпарвар” ташкилоти Қашқадарё вилояти кенгаши раиси
19.	Каримов Камолиддин Хакимович	“Қашқадарё” ва “Новости Кашкадаръи” газеталари таҳририяти бош муҳаррири

*Изоҳ: Жамоатчилик кенгашин аъзолари бошига ишга ўтган тақдирда, кенгаш таркибига ушибу лавозимларга тайинланган шахслар киритилади.*